

далолатнома ёзилиб, туман ҳоқими қарори билан карантин қўйилади. Куйдирги ўчоғидаги касалликка мойил барча ҳайвонлар тана ҳарорати ўлчаниб, клиник кўрикдан ўтказилади. Касал ёки касалликка гумон қилинган ҳайвонлар ажратилиб, махсус антибиотик дорилар ёки ушбу касалликка қарши гипериммун қон зардоби, гамма глобулин билан даволанади. Қолган барча турдаги соғлом ҳайвонлар вакцина билан эмланиши шарт. Карантин шартларига мувофиқ носоғлом ҳудуддан бирор турдаги ҳайвон, ҳатто транспорт воситасининг ўтиши, гўшт, сут маҳсулотлари, тери, жун, озуқа ва бошқа нарсалар чиқарилиши ва киритилиши қатъий тақиқланади. Носоғлом деб эълон қилинган ўчоқда соғ ҳайвонни гўштга сўйиш, ўлган молни ёриб кўриш, терисини аричиш, ҳайвонларни гуруҳга тўплаш, сотиш ёки алмаштириш ман этилиб, молбозорлар ёпилади, кўргазмалар ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу касалликдан ўлган ҳайвон ётган ер 15-20 см. чуқурликда ковланиб, тупроғи 20%ли хлорли оҳак эритмаси билан араштирилади ва 2 метр чуқур қазиб қўмилади. Ўша жойни бетонлаб, устига «Куйдирги» деб ва у чиққан сана ёзиб қўйилади.

Касаллик ўчоғи ҳисобланган жой ўша туманнинг хўжалик ерларидан фойдаланиш картасига киритилиши керак. У ерда қурилиш ишлари, мелиоратив ишлар олиб бориш тақиқланади, қолдиқ хашак, гўн ва бошқа чиқиндилар куйдирилади.

Куйдиргининг олдини олиш учун Россияда ишлаб чиқарилган 55 штаммдан тайёрланган вакцина билан ушбу касалликка мойил ҳамма ҳайвонлар эмланади. Касалланган ҳайвон, унинг гўшти, териси, сути, жун ва бошқа чиқиндилари билан алоқадор кишилар 8 кун давомида тиббиёт ходимлари кузатувида бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, мамлакатимизда куйдирги касаллигига қарши кураш ва ундан инсонларни ҳимоялаш ҳамма учун мажбурий. Бу кенг жамоатчиликни ҳам хушёр бўлишга даъват этади.

Х.САЛИМОВ,
ветеринария фанлари доктори, профессор

Ғ.МИНГЛИЕВ,
ЎЗВИТИ аспиранти

Илмий тадқиқотларимиз кўрсатишича, республикаимиздаги чорвачилик хўжаликларидида диплококкоз касаллиги кўплай учрамоқда. Ҳайвонлар қўлдан қўлга ўтганлиги (бозорлар) бу касалликнинг кенг тарқалиш хавфини юзага келтирмоқда.



Диплококкоз қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир (қўзғатувчиси *Diplococcus lanceolatus*). Касаллик йилнинг ҳамма фаслларида, айниқса, қиш ва баҳор ойларида кўпроқ учрайди, ўпка ва ичакларни яллиғлантиради, сепсис, артрит, лимфа тизимини жароҳатлайди, 70-75% ўлим билан тугайди. Ёш ҳайвонларда ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечиш, уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда асосан сурункали, баъзан ўткир шаклларда кечиш, эндометрит, аборт, артрит, мастит касалликларининг ривожланишига олиб келади. Касалланган ҳайвонларда тана ҳароратининг 41-42°C гача ошиши, нафас олиш қийинлашуви, ҳолсизланиш, бурундан қўпикли ва йирингли суюқлик оқиши кузатилади. Ярим ўткир ва сурункали шаклларда ушбу белгиларга артрит, йўтал ва ич кетиш қўшилади. Ўз вақтида ветеринария ёрдами кўрсатилмаса, касалланган ҳайвонлар нобуд бўлади.

Диплококкоз билан касалланган қўзиларнинг 70-75%и ўлади. Касал ҳайвонларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб, тузалган ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда диплококк ташувчига айланади.

Республикаимиз чорвачилик хўжаликларида юқумли бактериал касалликлар учраб турибди ва катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Улар орасида диплококкоз ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Хорижда бузоқ, қўзи ва чўчка болаларининг диплококкоз касаллигига қарши вакцина ва гипериммун қон зардоблари ишлаб чиқарилмоқда. Аммо уларни келтириш катта иқтисодий қийинчиликлар туғридмоқда.

Диплококкозга қарши хорижда яратилган вакцинада иммунитет 4 ойгача давом этади.

Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ширкат хўжалигида 485 бош қўзи диплококкозга қарши экспериментал вакцина билан эмланди. 2006 йил 8 февралда тайёрланган 1-серияли бу вакцина ҳар бош қўзи сонининг ички юзасига, тери остига 2 мл. дан инъекция қилинди. Эмланган қўзиларда дастлаб кузатилган оқсоқланиш, безовталаниш белгилари 12-24

ДИПЛОКОККОЗ

Маҳаллий диплококк штаммларидан яратилган вакцина қўзиларда қўлланилган тажрибаларда эса, бу давр 6 ойгача давом этди. У чорвачилик хўжаликларини диплококкоз касаллиги келтириши мумкин бўлган талофатдан ҳам сақлайди.

Таъкидлаш жоизки, лабораториямизда қўзиларда диплококкоз касаллигининг олдини олиш мақсадида маҳаллий диплококк культураларидан фойдаланиб, лабораторияда ва хўжалиқда ўтказилган тор доиралари синовларда бу вакцина ижобий самара берди.

Қўйлар диплококкозига қарши экспериментал ГОА формол вакцинани хўжалик шaroитида синаш учун Навоий ва Самарқанд вилоятларининг носоғлом қўйчилик хўжаликлари - Навбаҳор туманидаги «Сармиш» ва Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ширкат

соат давомида йўқолди. 10 кунлик кузатиш мобайнида уларда касаллик асоратлари қайда этилмади. 14 кундан кейин қўзилар қайта эмланди (ревакцинация), 10 кунлик кузатиш давомида уларда касаллик асоратлари аниқланмади. Охириги вакцинациядан кейин 180 кун ўтгач, диплококкларга қарши специфик антителолар титрини аниқлаш мақсадида Навбаҳордаги «Сармиш» хўжалигида эмланган 10 бош қўзидан, иммунологик тешириш учун Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» хўжалигида ҳам эмланган шунча қўзидан қон намуналари олиниб, серологик текширилди (АР).

Иккала хўжалиқда ҳам антителолар титри вакцинациядан кейинги 180 кун давомида ўртача 1:640 ва 1:440 ни ташкил этди. 6 ойлик кузатишда отардаги қўзилар орасида диплококкоз билан касалланиш кузатилмади. Диплококкозга қарши экспериментал вакцинани синаш бўйича тадқиқотлар улар ижобий иммуногенлик хусусиятларга эгалигини кўрсатди.

Қўй, қўзиларда диплококкоз касаллигининг олдини олиш учун Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтида яратилган янги ГОА формол вакцинадан қорақўлчилик хўжаликлари, фермерлар ва аҳоли кенг қўламда фойдаланишларини тавсия этамиз.

Б.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗВИТИ Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораторияси мудири, ветеринария фанлари номзоди

С.АБДАЛИМОВ,
кичик илмий ходим



хўжаликлари танланди. Дастлаб бу хўжалиқлардаги эпизоотологик ҳолати бўйича текширилган қўйлар орасида юқумли касалликлар аниқланмади.

2006 йил 20 август куни Навбаҳор туманидаги «Сармиш» ширкат хўжалигида 500,